O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 24-dekabr • Payshanba • 156-57 (30.117) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 23 декабрь куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Жазоир Халқ-Демократик Республикаси ва Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Вольфганг Нойен, Муҳаммад Воҳид ал-Ҳасан, Рамдан Мекдуд, Владимир Тюрденев ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Ташқи сиёсат маҳкамаларининг ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш борасидаги сиёсий мулоқотлари фаоллашмоқда. Парламентлар ўртасида ҳамкорлик кенгаймоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистонда германиялик ишбилармонлар иштирокида тузилган юздан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда. Германиянинг 60 етакчи фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

— Ўз миссиям даврида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқчиман, — деди Вольфганг Нойен. — Қўшма корхоналар кўпайиб бораётгани бу соҳадаги алоқалар истиқболли эканидан далолат беради.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари тарихий, маънавий-маданий ришталар билан боғланган. Мамлакатларимизнинг бугунги ҳамкорлиги замон руҳига мос равишда ривожланмоқда.

Покистон Ўзбекистонга Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги муҳим шерик сифатида қарайди, мамлакатимиз билан иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради.

— Мамлакатларимиз ҳам жуғрофий, ҳам маънавий жиҳатдан бир-бирига яқин, — деди Покистон элчиси. — Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг ишончли шерик, деб ҳисоблаймиз. Олий даражадаги ташрифлар асносида имзоланган ҳужжатлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон билан Жазоир ўртасидаги муносабатлар ҳамфикрлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланади. Мамлакатларимиз БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти доирасида кўп томонлама ҳамкорлик қилмоқда.

Мамлакатларимиз парламентлари, муайян вазирлик ва идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Жазоир аҳли Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини юксак қадрлайди, Бухорий, Термизий каби буюк муҳаддислар ватани сифатида катта ҳурмат билан қарайди.

Ушбу мамлакат элчиси Ўзбекистон — Жазоир иқтисодий ҳамкорлиги катта салоҳиятга эга эканини, хусусан, тоғ-кон, металлургия ва енгил саноатда, нефть ва газни қайта ишлашда самарали ҳамкорлик қилиш мумкинлигини таъкидлади. Ўз миссияси давомида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратишини қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ва муттасил ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, маданий, гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилган.

— Ўзбекистон билан муносабатлар Россия учун алоҳида аҳамият касб этади, — деди Владимир Тюрденев. — Ўзбекистондаги жараёнларни доим диққат билан кузатиб келганман. Хусусан, глобал инқироз шароитида ҳам Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш кузатилаётгани таҳсинга сазовордир.

(ЎзА)

Айрим сиёсий партияларнинг депутатликка номзодлари, фаоллари сайловолди ташвиқотида жозибадор чақириқлар, чиройли ваъдалар билан ишонч қозонишга уринишмоқда...
Бугунги одамлар кечаги одамлар эмас. Улар ҳаётий, эзгу ғоялар, амалий ишларга қараб сиёсий партиялар фаолиятига баҳо беради. Сайловчилар ЎзХДП ғояларини қўллаб-қувватлашларига умид қиламиз.

МЕН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРАМАН!



Сабаби, партия Дастури ва Сайловолди платформасида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини аниқ, манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Давлат ва жамиятнинг қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд қатлам партиянинг электоратидир. ЎзХДП ушбу қатлам учун муносиб турмуш шароитларини яратиш учун курашади. Бу эса жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Ана шу мақсадларни кўзлаган ва уларни қонун воситасида амалга оширишга учун курашга кирган ЎзХДП номзодларига овоз бериш барчамиз учун ҳам муҳимдир.

Қумар БЕГНИЯЗОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати.

Чунки партия Инқирозга қарши чоралар дастури ва инқироздан кейинги барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, аҳолининг реал даромадлари ортишини кафолатлайдиган барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалаларининг изчил бажарилиши ғояларини илгари сурмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ХДП хотин-қизларни иш билан таъминлаш, шу жумладан, касаначилик шаклидаги меҳнатни ташкил этишнинг қонун билан белгиланган кафолатларини янада ривожлантириш тарафдоридир. Бу эса ўз навбатида иш ўринларининг кўпайишига, иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ўсишига хизмат қилади.

Бошқа соҳалар бўйича ҳам ўзига хос масалаларни ўртага ташлаётган ЎзХДПнинг сайловлар натижасида вакиллик органларидан кўпроқ депутатлик ўринларини қўлга киритишига биз хайрихоҳмиз.



Умаржон ЗОКИРОВ,
II Тошкент юридик коллежининг олий тоифали ўқитувчиси.

Сайлов арафасида ҳар бир сиёсий партия ўз дастури, мақсад- муддаоси ташвиқотини кучайтириши табиий ҳол, албатта. Бироқ айрим партиялар вакиллари сайловолди ташвиқотида асоссиз гапларни айтишга шунчалик берилиб кетдики, хаёлга беихтиёр «ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир», деган мақол тушади. Баландпарвоз гаплар, жозибадор чақириқлар билан ўз партиясини кўз-кўз қилишга уринаётганлар бошқа сиёсий партиялар шаънига мутлақо асоссиз даъволарни айтиб, сайловчиларни бунга ишонтирмоқчи бўлишяпти. Гўё одамлар ҳеч нарсадан бехабардек.

Муносабат

ХОЛИС БАҲОНИ ОДАМЛАР БЕРАДИ

Бир сиёсий партия иккинчисининг ғоялари, қайсидир масалага позицияси, қарашларига муносабат билдириши, танқид қилиши мумкин. Бундай баҳс-мунозара сиёсий кучларни сергаклантиради, хатоларини тузатишга, электорат манфаати, жамият тараққиётига хизмат қилади. Бошқа партия фаолиятини атайин камситиш учун айтилган танқид, ҳатто ибратли ишини тан олиш, лозим бўлса, бу тажрибадан фойдаланиш ўрнига уни инкор этишга уринишни холис ҳаракат деб бўлмайди.

Сайловолди баҳс-мунозараларида ЎзЛиДеП вакиллари бир неча бор ХДП Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини самарасиз, кераксиз тажриба сифатида танқид қилишди. «Адолат» социал демократик партиясининг бир депутати Жамоатчилик қабулхоналари ҳақида шундай беписанд гапирдики, тўғриси, депутат, олий маълумотли одамнинг бу тарзда калта ўйлаши кишини таажжубга солади. Бизнинг назаримизда, у кўпчилик олдида айтган асоссиз гапи билан Жамоатчилик қабулхоналари ҳақида эмас, балки ўзи тўғрисида нохуш фикр уйғотди.

Жамоатчилик қабулхоналарига келсак, унинг фаолиятидан одамларга қандай фойда тегаётганини нафақат ХДП электорати, балки бошқалар ҳам яхши билишади. ЎзЛиДеП фаоллари эътибори учун бир мисол келтирамиз. Яқинда ЎзХДП Марказий Кенгашига Самарқанд шаҳар Маҳмуджонов кўчасида яшовчи фуқаро, етти нафар фарзандининг онаси Т.Баҳромовадан келган хатда шундай сўзлар бор: **2 ноябрь куни мен Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси Марказий аппаратига мурожаат қилиб, улардан тадбиркорлик ҳуқуқимизни ҳимоя қилишни сўрадим. Лекин Марказий аппарат нафақат ёрдамни, ҳаттоки қонунларда белгиланган муддатда жавоб ҳам бермади...**

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига мен ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман, чунки тадбиркорларни ҳимоя қилиш сизларнинг устувор вазифангиз бўлмаса ҳам Жамоатчилик қабулхонаси бизларни қабул қилиб, амалий ёрдам беришяпти.

Сизларга омад, биз албатта ХДП учун овоз берамиз.

Жамоатчилик қабулхоналари орқали нафақат ўз электоратимиз, балки бошқа сиёсий партиялар электорати вакилларига ҳам имкон қадар ёрдам кўрсатилаётгани ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жамоатчилик қабулхоналарига мурожаат қилаётганлар қайси партия электоратига мансублигига қарамай қабул қилинади. Ҳуқуқи поймол бўлган ёки қайсидир бюрократ амалдор ҳузурига киролмаган, қонуний ёрдам ололмаганларнинг ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарига келиши тобора кўпайиб бормоқда. Демак, бу тажриба самара бермоқда. Одамлар ишончини қозонмоқда. Айни чоғда, Жамоатчилик қабулхоналари партиямиз электорати, умуман, оддий одамлар муаммоларини ўрганиш бўйича ўзига хос восита вазифасини ўтамоқда.

Биз бундан кейин ҳам Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кучайтириш орқали одамлар орасига тобора чуқурроқ кириб бориш, жойларда уларга янада кўпроқ мадад кўрсатишни асосий вазифаларимиздан бири деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон ХДП номзодларининг сайловчилар билан учрашувлари

ҒОЯЛАРИМИЗНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Сайловолди ташвиқот ишлари қизғин паллага кирган шу кунларда сайлов қонунчилигидаги ўзгариш ва янгиликлар афзаллиги янада ёркин кўзга ташланмоқда. Буни депутатликка номзодлар билан сайловчилар вакилларининг учрашувлари жараёнида ҳам кўриш мумкин.

Айниқса, ҳар бир партия ўз номзодлари билан учрашувларни ўзи ташкил этиш имконининг берилгани демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, кенг омма онгида фуқаролик маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Учрашувлар жараёни партияларга ўз сиёсий йўналиши, дастурий ғоя ва мақсадлари ҳақида янада тўлиқроқ тасаввур беришга, электорати манфаатлари учун қандай ғояларни илгари сураётганини ифодалашга имкон яратмоқда.

(Давоми 2-бетда)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Сайловлар — кучли фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.

САЙЛОВЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш учун хоҳиш-истакнинг ўзи ёки фақатгина давлатнинг ҳаракати камлик қилади. Бунинг учун жамоатчиликнинг иштироки ва ташаббуслари талаб этилади. Бунда ҳар биримиз Конституцияда кафолатлаб берилган ҳуқуқ ва бурчларимизни теран ҳис этиб, жамият ва келажак авлод олдидаги масъулиятни англаган ҳолда, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш жараёнида фаол иштирок этишимиз лозим.

Бу энг аввало, давлат ва жамият ишларини бошқаришда, шунингдек, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда фаол иштирок этиш демакдир. Мана шу сайловларда ўз фуқаролик позициямизни намоён этишимизни тақозо этади. Чунки, ҳар қандай мамлакатнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирок этишлари учун ташкил этилади. Бу демократиянинг, фуқаролик жамиятининг асосий кўринишларидан биридир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов — демократия дегани. Демократия – бу сайлов дегани».

Айтиш керакки, парламент шакллантирилгандан кейин унинг самарали фаолият юритиши ҳам қайсидир маънода демократик тамойиллар асосида ўтган сайловлар натижаси сифатида намоён бўлади. Шу маънода, 2004 йил 26 декабрда бўлиб ўтган сайловларни эслаш жоиз. У икки палатали парламентни шакллантиришга хизмат қилди.

Олий Мажлиснинг қуйи – Қонунчилик палатаси доимий фаолият кўрсатадиган профессионал орган сифатида ташкил қилинган бўлса, юқори палата – Сенат ҳудудий вакиллик органи сифатида эътироф этилди. Икки палатали парламент шароитида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатли бўлишига эришиш, бунда умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлаш, палаталар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакат парламентининг ўтган йиллардаги фаолияти юқори савияда бўлди дейишга асослар етарли. Бунинг биринчи сабаби, мамлакатимиз парламентини шакллантиришда барча демократик талабларга мос келадиган сайлов тизими жорий қилинганлиги бўлса, иккинчидан, фуқароларимиз ўзлари хоҳлаган шахсларни парламент депутатлигига сайлаганида бўлди. Парламентимизнинг ўтган йиллардаги самарали фаолият юритишига омил бўлган яна бир муҳим асос — бу Президентимизнинг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги қарорини қабул қилинганида деб ўйлаймиз. Чунки, мазкур қарор палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалаларни муваффақиятли ҳал этишлари учун ўзаро ижобий ҳамкорлик қилишни кундалик заруратга айлантирди. Мана шу зарурат, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2005 йил 15 июндаги қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг устувор йўналишлари, мақсадли вазифалари ҳисобга олинган ҳолда 2005 йилга ва келгуси йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти Дастури»ни ҳамда Сенат Кенгашининг 2005 йил 21 июлдаги қарори билан мамлакат Президентининг ПҚ-24-сон қарорини бажариш дастурининг айрим йўналишларига доир таклифларни амалга ошириш юзасидан Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг режаси ҳақидаги ҳужжатни қабул қилишга асос бўлди. Бу ҳужжатлар палаталарнинг келгусида ўзаро ҳамкорликда амалга ошириши зарур бўлган йўналишларни амалда белгилаб берди. Палаталар томонидан мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши уларнинг қонун ижодкорлигидаги ўзаро ҳамкорликларини таъминлашга хизмат қилган омиллардан бири бўлди, десак, ўринли бўлади. Парламент палаталарининг ўтган йиллар давомида ўзаро ижобий ҳамкорлиги натижаси ўлароқ, қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан 2005 йилда 19 та, 2006 йилда 60 та, 2007 йилда 60 та, 2008 йилда 60 та, 2009 йилнинг биринчи ярмида 30 тадан ортиқ қонунларни қабул қилингани юқорида номи қайд этилган ҳужжатнинг амалдаги самарасидир.

Мамлакатимиз қонун чиқарувчи ҳокимиятининг қонун ижодкорлиги самарадорлигини таъминлаш жараёнида ҳар икки палатанинг мустақил фаолият юритиши муҳим аҳамият касб этди. Агар Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг мустақил фаолият юритиши кафолатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар Конституциямизда, шунингдек, уларни шакллантириш, фаолиятини тартибга солишга қаратилган конституциявий қонунлар, қонунлар ва регламентларда мустаҳкамлаб қўйилганлигига гувоҳ бўламиз. Ҳар икки палатанинг бир-биридан мустақил тарзда фаолият юритиши натижасида қабул қилинаётган қонунларнинг сифати яхшиланиши, турли ижтимоий гуруҳлар, ҳудудлар манфаатларини уларда тўлароқ акс эттириш имконияти кенгайишига хизмат қилмоқда.

Парламентнинг икки палата – Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат таркибда фаолият юритиши қонунларни ҳар томонлама мукаммал ва пухта ишлаб чиқилишини таъминлади, дейишга тўла асос бор. Чунки қуйи ва юқори палаталарнинг узвий ҳамкорликдаги фаолияти қонун лойиҳаларини маромига етказиб қабул қилишга имконият яратди.

Қонунчилик палатасида қонунлар лойиҳаларини уч ўқишда қабул қилиш тартиби жорий қилинганлиги ҳамда сиёсий партиялар фракциялари ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, қонунлар лойиҳаларига ўз нуқтаи назари билан ёндашаётганлиги муҳокамаларнинг қизғин баҳс-мунозаралар остида ўтишига сабаб бўлди. Шунингдек, қуйи палатага киритилган қонун лойиҳасини муҳокамага тайёрлашга масъул бўлган қўмиталарнинг ўз ишига жиддий муносабатда бўлиши, қолаверса, ҳар бир депутат ўз сайловчилари олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этгани ҳар бир қонун лойиҳасини мукаммал тайёрланишига туртки бўлди. Бу, ўз навбатида, қонунларнинг янада такомиллашуви ва амалдаги самарадорлигининг ошишига сабаб бўлди. Ҳар бир қонун лойиҳасини юридик ва техник жиҳатидан расмийлаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Қонун тили бирмунча мукаммаллашди. Булар, шубҳасиз, қўлга киритилган жиддий ютуқлар ҳисобланади.

Бугунги кунда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари тақдим этаётган қонунлар лойиҳалари амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйиладиган талабларга мувофиқлиги билан аввалгиларидан сезиларли равишда мукаммаллашди.

Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда Қонунчилик палатаси ҳамда қонун ташаббуслари субъектларининг ўзаро муносабатлари ижобий томонга кескин ўзгарди. Қонунчилик палатасига киритилган қонунлар лойиҳаларининг муҳокамаларида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти вакилининг доимий иштироки таъминланган. Бу эса, қонунлар лойиҳалари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган айрим тушунмовчиликларни жойида ҳал этиш имконини бермоқда. Бу қонунчилик жараёнида ижобий ҳолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг назорат-таҳлил функциясини амалга оширишда ҳам муайян тажриба тўпланди. Улар томонидан бу йўналишда сезиларли ишлар амалга оширилди.

Таъкидлаш жоиз, қонунларга риоя қилиш, уларни ижро этиш ва қонун нормалари билан тартибга солишга эҳтиёж туғилаётган ижтимоий муносабатларни аниқлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштиришда Олий Мажлис палаталари томонидан амалга ошириладиган парламент назорати муҳим аҳамият касб этади. Парламент назоратининг аҳамияти унинг қуйидаги функцияларида янада яққол намоён бўлади: биринчидан, қабул қилинган қонунларнинг ижро этилишини ўрганиш; иккинчидан, қонунларнинг амалиётда қўлланилишига таъсир этувчи муайян омилларни аниқлаш; учинчидан, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш; тўртинчидан, назорат-таҳлил натижаларига асосан амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; бешинчидан, мансабдор шахсларнинг қонунлар ижросини таъминлашга бўлган масъулиятини оширишга доир чоратадбирларни кўриш.

Парламент вакиллик органи бўлгани боис давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари, айниқса, ўзи сайлайдиган, таъсис этадиган ва тайинлайдиган идоралар ва мансабдор шахслар фаолияти устидан муайян назоратни амалга ошириши табиий. Парламент миллат ва халқ иродасини акс эттирувчи идора, шу боис халқ номидан назорат-текширув функциясини бажаради.

Юқоридаги мисоллар шуни кўрсатадики, халқ ўзи ишонган муносиб, салоҳиятли, ўз фаолияти давомида катта тажриба тўплаган вакилларини депутатликка сайласа, вакиллик органининг иши ҳам мукаммал бўлади. У ўзини сайлаган инсонларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришда самарали фаолият юритади.

Бугун мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар жараёни кечмоқда. 27 декабрь куни сайловчилар албатта юқоридаги фикрларни ҳисобга оладилар ва муносиб номзодларга овоз берадилар, деган умиддамиз.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ВА НОМЗОДЛАРИМИЗ

ҳақида сайловчилар, электоратимиз вакиллари қандай фикрда?

Сайловга саноқли кунлар қолди. Аввалги сайловда сайланган депутатларимизнинг эса ваколат муддати ниҳоясига етаяпти. Хўш, ўтган сайловда партиямиздан туман Кенгашларига сайланган вакилларимизнинг фаолияти ҳақида бугун нималар дейиш мумкин? Улар ўз сайловчилари, электоратимиз томонидан билдирилган ишончни оқлашдими? Бўлажак сайловлар муносабати билан кўрсатилган номзодларимиз салоҳияти тўғрисида қандай фикр билдирилмоқда. Умуман, сайловчилар сайловга қай даражада ҳозирлик кўришмоқда? Партиямизнинг қуйи бўғинларида сайловолди тайёргарлик ишлари қай даражада?

Бўлажак сайловлар, сайловчиларнинг унга муносабати, депутатларимиз фаолиятига берилаётган баҳо, номзодларимизнинг олиб бораётган ишлари ҳақида билиш мақсадида Жиззах туманида бўлдик ва турли ёш, касб-кор эгаларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Пардабой БЕКМУРОДОВ, 13-мактаб ўқитувчиси:

— Ўтган сайловда бир нечта номзодлар орасидан Учтепа маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Суннатилла Ориповни 16-Шароф Рашидов сайлов округидан туман Кенгаши депутатлигига сайлаган эдик. Очиғи, адашмаган эканмиз. У киши маҳалламиздаги ободончилик, бунёдкорлик ишларида бош-қош бўлди, аҳолига кўрсатилаётган коммунал, сервис хизматлар сифатини яхшилаш борасида ташкилотчи эканлигини намойиш этди. Сайловчилар билан тез-тез учрашиб турди, уларни ташвишга солаётган катта-кичик муаммоларга нисбатан бефарқ бўлмади. Бу муаммоларни ҳал этиш имкониятларини излади, керак пайтларда эса масалани таваллуқли ташкилотлар, мутасаддилар олдига қўйди. Шунинг учун кўпчилик бу сафар ҳам туман Кенгаши депутатлигига кўрсатилган Суннатилла Ориповнинг номзодини қўллаб-қувватлаш ниятида.

Тошбуви БАҲОДИРОВА, ногиронлар жамияти туман бўлими раиси, ЎзХДП аъзоси, пенсионер:

— Шахсан мен ЎзХДПдан кўрсатган номзод учун овоз бермоқчиман. Чунки ўтган сайловда бизнинг Акмал Икромов сайлов округидан туман Кенгаши депутати этиб сайланган «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Акром Иномов ишончимизни оқлади. У киши барча даражада халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, кўп болали оналар, кам таъминланганлар, ногиронлар, пенсионерлар ҳамда ёрдамга муҳтож фуқароларнинг манфаатларини зарур пайтда ҳимоя қила билди. Маслаҳат, кўмак сўраганлардан ёрдамини аямади. Мисол учун, биз — бир гуруҳ пенсионерлар кўчамизга тортилган тоза ичимлик суви тармоғини янгилашга қайта-қайта ҳаракат қилиб, ҳеч қандай натижага эришолмай келаётгандик. Депутатимизнинг аралашувидан сўнг бу масала ўз ечимини топди. Биз шундай одамнинг қайта депутат бўлиши тарафдоримиз.

Абдуғофур ХОЛМЎМИНОВ, Янгиобод маҳалла фуқаролар йиғини котиби:

— Кўрсатилган номзодлар ичидан кимнинг туман Кенгаши депутатлигига сайланишини сайлов якунлари ҳал қилади, албатта. Ўзимга келсак, бўлғуси сайловда ЎзХДПдан кўрсатилган номзод учун овоз бермоқчиман. Сабаби, бу партия ташаббускор сиёсий куч сифатида ўзини намоён этаяпти. ХДП биз — халқ таълими ходимлари, шифокорлар манфаатлари йўлида ҳам дадил ғояларни илгари сурмоқда. Айниқса, қишлоқ ўқитувчилари ва муаллимлари учун. Депутатлари, номзодлари ҳам фаол, жонкуяр, салоҳиятли. Юртимиз тараққиётини ўйласак, албатта шундай партия ва унинг номзодларига овоз беришимиз керак...

❖❖❖

Аввалги сайлов натижаларига кўра, туман Кенгаши депутатларининг 11 нафарини партиямиздан кўрсатилган номзодлар ташкил қилган эди. Уларнинг аксарияти фаолияти давомида сайловчилар ишончини оқлашга ҳаракат қилишди, фаол, жонкуяр, ташаббускор депутат сифатида обрў-эътиборга сазовор бўлишди. Туман Кенгаши сессияларида электоратимиз, сайловчилар манфаатларига дахлдор ўнлаб қарорлар қабул қилиниши, жойларда уларнинг ижросини таъминлаш борасида самарали иш олиб боришди. Бундан ташқари, сайловчилар, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган депутатлик сўровлари киритишди. Партиянинг Жамоатчилик қабулхонасига бўлган ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг аксарияти ижобий ечим топиши таъминланди. Шунинг учун аввалги депутатларнинг 6 нафари туман Кенгаши депутатлигига номзод этиб партиямиз томонидан яна кўрсатилди.

Афсуски, партиямиздан номзодлари кўрсатилиб, ўтган сайловда туман Кенгашига сайланган айрим депутатлар талабларга жавоб бера олмадилар. Натижада туман партия ташкилоти бундай депутатларни такроран номзод этиб кўрсатишни лозим топмади.

— Туман кенгаши депутатликка номзодлар кўрсатишдек муҳим ишга ўта масъулият билан ёндашдик, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Абдулла Эшонқулов. — Бугун бизга қандай депутатлар кераклиги, депутатларимизнинг қандай хислатларга, фазилатларга эга бўлишлари ҳақида обдон ўйлаб кўрдик. Бу борада партиямиздан кўрсатилган номзодларнинг сайловчилар, электоратимиз, одамлар ишончига муносиблиги, бошқалар билан талашиб-тортишиб, курашиб қўлга киритиладиган депутатликни зиммага олинган юксак масъулият, деб тушунадиган ва шунга яраша фаолият кўрсата оладиган, ташаббускор, қатъиятли, етарли салоҳият, ҳаётий тажрибага эга, шижоатли кишилар бўлишига алоҳида эътибор қаратдик. Туман Кенгаши депутатлигига бу сафар 30 нафар энг муносиб номзодларни тавсия этдик. Ўйлайманки, бўлажак сайловларда номзодларимиз сайловчилар, электоратимиз томонидан қўллаб-қувватланади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хушхабар

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида 16-23 декабрь кунлари оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида спортчиларимиз мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Тошкент халқаро аэропортида нуфузли мусобақа иштирокчиларини спорт жамоатчилиги, мухлислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари кутиб олди.

Йигирма мамлакатдан икки юзга яқин спортчи иштирок этган мусобақада терма жамоамиз аъзолари 18 олтин, 11 кумуш ва 19 бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида йигитларимиз биринчи, қизларимиз эса иккинчи ўринни эгаллади.

— Осиё чемпионатида ғолиб бўлганимдан жуда хурсандман — дейди Фиёсиддин Аҳмедов. — Халқаро майдонда эришаётган бундай ютуқларимиз, шубҳасиз, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида биз, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчилар бўлиб етишишимиз учун қаратилаётган доимий эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрликнинг самарасидир.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

ҒОЯЛАРИМИЗНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

— Бу галги сайловлар олдингиларига нисбатан кўп жиҳатлари билан фарқ қилмоқда, — дейди 47-Чортоқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Дилбархон Холиқова. — Шахсан мен икки жиҳатдан кўнглим тўлаётганини айтишим мумкин. Биринчидан, олдинги сайловларда барча партиялар ўз номзодлари билан учрашувларни бир вақтда ташкил этишарди. Натижа кутилганидек бўлмасди. Чунки фуқаролар номзодларнинг ҳам, партияларнинг ҳам дастурий мақсадларини чалкаштириб юборишар, аниқ тушунчага эга бўлишга қийналишарди. Бу гал партия ўз номзодининг сайланиши учун астойдил курашмоқда. Айниқса, ишончли вакилларнинг ҳам ўзига хос тайёргарликка эга бўлаётгани, номзод билан баравар масъулиятни зиммага олаётгани сиёсий эътиқод ва маданиятнинг шаклланганини исботламоқда.

Аксарият учрашувлар барча даражадаги вакиллик органлари депутатлигига номзодлар билан биргаликда ташкил этилаётгани ҳам эътиборлидир. Буни сайловчилар ҳам эътироф этишмоқда.

Вилоят ва туман Кенгашлари депутатлигига номзоди кўрсатилган Гулмирахон Қўшмонова, Рисликбой Умаралиевлар билан биргаликдаги учрашувларимизда фуқаролар томонидан билдирилаётган фикрдан келиб чиқиб, қўйилаётган масала қайси даражада ечилиши мумкинлигига қараб ўзимизга тегишли хулосаларни чиқариб олаяпмиз. Зотан, партия аъзоси сифатида ҳам кейинчалик қўйилган масалаларни депутатлик гуруҳлари ва фракцияга тақдим этиш мумкин бўлади.


Энг муҳими шундаки, учрашувларда биз аввало, партиямиз илгари сураётган ғояларни, уларни амалга ошириш механизмларини тушунтириб бермоқдамиз. Ўртада қизғин савол-жавоблар бўлмоқда. Натижада, партиямиз дастурий мақсадларини қўллаб-қувватловчилар кўпаймоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ ❖ ❖

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзод (132-Тўқимачилар сайлов округидан) — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг биринчи проректори, педагогика фанлари номзоди Нуриддин Досановнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Номзоднинг сайловолди қарашлари, фикрлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотяпти.

— Партиямизнинг бош мақсади — ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир, — дейди у. — Ўз сайловолди дастуримда биринчи навбатда аниқ мақсадли ижтимоий ҳимоя самарадорлигига алоҳида эътибор қаратганман. Айниқса, болалар ва оналарга кўрсатиладиган тиббий хизмат даражаси, сифатини ошириш, жисмоний имкониятлари чекланган кишилар, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг шартнома асосида олий ўқув юртларида ўқиши учун ижтимоий жиҳатдан қонуний енгилликлар яратиш зарур, деб ҳисоблайман.



Юқори сифатли коммунал хизматларни таъминлаш, коммунал хизматлар таннархини асосли белгилаш, бу соҳа бўйича қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан доимий мониторинг юритиш аҳолининг кам таъминланган қатлами манфаатини ҳимоя этишда муҳим аҳамиятга эга.

ЎзХДП Сайловолди дастурида аҳоли, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу масалада иш берувчи бурчи ва масъулияти, иш ҳақи миқдори бўйича ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар оз эмас.

Сайловчилар менга ишонч билдириб, депутат этиб сайлашса, белгиланган дастурни амалга ошириш учун фаол қатнашиб, ижтимоий ҳимоя самарадорлигини оширишга ўз ҳиссамни қўшаман.

Ўзбекистон ХДПдан кўрсатилган номзод билан учрашувлар дўстона, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтмоқда.

Ольга ЩЕТИННИКОВА,
«Голос Узбекистана» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тиббиёт масканларида

«МАҚСАДИМИЗ – ЗАМОНАВИЙ ВА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ...»

дейди II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Рамиза Сапарниёзова

Рамиза Сапарниёзова мактабда ўқувчилик давридаёқ келажакда ким бўлишда қатъий бир фикрга келганди. У шифокор бўлишни орзу қиларди. 1986 йилда Нукус шаҳридаги 22-сон ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Рамиза Андижон давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Институтни муваффақиятли тамомлаб, 1992-1993 йилларда Нукусдаги Республика болалар касалхонасида интернатурадан ўтди. 1993 йили Қораўзак тумани Қораўзак овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган касалхонада участка педиатри бўлиб иш бошлади. Ҳозирги пайтда Қораўзак қишлоқ врачлик пунктининг мудири бўлиб ишламоқда.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан тиббиётда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, аввало, қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш билан бошланди. Айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи одамлар саломатлигини муҳофазалаш, тиббий хизмат сифатини оширишда қишлоқ шифокори зиммасига катта масъулият юкланади. Рамиза бу масъулиятни чуқур ҳис этди ва мўъжазгина тиббий жамоаси билан хонадонларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш устида тинимсиз ишлади. Ҳудуд аҳолиси катта-ю кичигининг соғлиғини кафтагидек «кўриш», соғлиқни сақлаш учун курашиш анча машаққат талаб этади. Рамиза ишдан чўчимади, оғир вазиятда жамоадошларига суянди... Зеро, унинг меҳнати Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан юксак қадрланди. 2009 йилда бир гуруҳ юртдошларимиз қатори у ҳам Мустақиллик байрами арафасида II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

— Ўша кунни эсласам ҳалиям ҳаяжонга тушаман, — дейди у. — Мукофотланганим ҳақидаги хушхабарни эшитиб, очиғи, бошим гангиб қолди. Менинг камтарона меҳнатимга берилган юксак унвон, эътибор зиммамга янада улкан масъулият юклади... Инсонга касбдан қадр топишнинг ўзи бир бахт. Одамлар бор бахтни излайди, омад кетидан қувади, кимгадир бойлик, давлат, амал, обрў бахтдир. Мен бахтни меҳнатим, касбимдан кўрдим. Бахт мени топди, шунисига шукр қиламан!

Қишлоқ врачлик пунктига қарашли ҳудудда 1866 нафар аҳоли яшайди, уларнинг 447 нафари фертил ёшидаги аёллар, 348 нафари 14 ёшгача бўлган болалар, 115 нафари ўсмир ёшидаги,115 нафари гўдаклардир.

— Пунктимиз 2003 йили «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида қулай ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди, — дейди Рамиза Сапарниёзова. — Масалан, «скрининг — мастер» аппарати беш турдаги анализларни текширади, ЭКГ аппаратининг юрак касалликларини аниқлашда олдингиларидан афзал томони кўп. Бизнинг ҳудудимиз туман марказидан 25 километр, Нукус шаҳридан эса 98 километр узоқда жойлашган.

Одамларнинг узоқ йўллари яқин бўлди. Беморларга туман марказидаги касалхона, поликлиникаларга бормасдан ҚВПнинг ўзида ташҳис қўйилиб, муолажа қилиняпти. Акушер хонаси, физиотерапия, лаборатория хоналари беморлар хизматида. Айниқса, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёлларга, шунингдек, ёш ўсмирларга сифатли тиббий хизмат кўрсатаётган К.Қаллибекова, З.Асанбоева, Б.Раимова, А.Бердибекова ҳамда А.Бугаевалар нинг тиббий хизматидан овул аҳолиси миннатдор бўлмоқда.

Қишлоқ аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш кўп жиҳатдан мутахассис кадрларнинг замонавий билим ва тажрибасига боғлиқ. Рамиза тинмай ўз устида ишлайди, изланади. Бинобарин, у 2003 йилда Тошкентда 10 ойлик малака ошириш курсида ўқиди, 2004 йилнинг апрел, май ойларида Эстониянинг тарту шаҳрида икки ҳафталик замонавий даволаш бўйича семинарда қатнашди, халқаро миқёсдаги тажрибаларни ўрганиб келди. Ва у ўрганган тажриба ва замонавий билимларини овул аҳолиси саломатлигини муҳофазалаш, малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун сарфлаяпти.

«Дунё тажрибасида қишлоқ шифокори одамлар соғлиғини сақлаш учун курашади, тиклашга интилади. Мақсадимиз одамларга замонавий ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш...» дейди Рамиза.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш ҳақидаги фармойишига кўра, мамлакатимиз миқёсида халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар-жойларида ёнғинлар олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мунтазам тадбирлар амалга оширилди. Ойлик давомида фармойишда белгилаб берилган вазифалар қай даражада ижро этилди? Дастлабки натижалар қандай? Биз шу саволлар билан Республика ИИВ ЁХББнинг ЁООБ катта муҳандиси, майор Даврон ҚАМБАРОВга мурожаат қилдик.

«01» огоҳлантиради

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

жамоатчилик иштироки ғоят муҳимдир

— Аввало, мазкур ойлик бошланишидан олдин тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, унинг ижроси бўйича Бош бошқармамиз назорат ўрнатганини айтиб ўтиш керак, — дейди суҳбатдошимиз. — Одатдагидек, бу йилги тадбирга ҳам катта тайёргарлик кўрилди. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғинларга олиб келувчи ҳолатларни бартараф этишга қаратилган плакатлар, паннолар ва эслатмалардан кенг фойдаланилди. Ойликнинг дастлабки ўн беш кунида республика бўйича 15 мингтадан ортиқ корхона ва ташкилот, хўжалик ҳамда муассасанинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилиб, 467 минг нафардан зиёд ишчи-хизматчилар билан учрашувлар ўтказилди.

Меҳнат ва яшаш жойларида ёнғинлар содир бўлишига йўл қўймаслик жамоатчилик, ҳар бир фуқаронинг онгли муносабати, фаол иштирокига боғлиқ. Шуни таъкидлаш лозимки, бу йилги «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» Ватанимиз тарихида илк марта қабул қилинган ва 1 октябрдан бошлаб амал қила бошлаган «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ўтказилди.

Мазкур қонунда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган барча тадбирларга корхона ва ташкилотлар, хўжалик ва муассасалар раҳбар ходимлари яқиндан ёрдам беришлари, айни пайтда уларнинг ўзлари ҳам ёнғинлар олдини олишда жавобгар шахс эканликлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вазифалари аниқ равшан белгилаб берилган. Афсуски, ойлик давомида айрим корхона ва ташкилотларда қонунбузилиш ҳоллари ҳам рўй бергани ҳақиқатдир. Жойларда ёнғинга қарши ҳолатлар текширилаётганда қонун ва қоидаларга амал қилмай келаётган икки минг нафардан ортиқ раҳбар ва жавобгар шахсга нисбатан 29 миллион сўмликдан зиёд жарима солингани фикримизнинг тасдиғидир. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган 1200 га яқин корхона, цех ва омборхонадан фойдаланиш вақтинча тўхтатиб қўйилди. Салкам 11 мингга яқин носоз электр мослама, агрегат ва электр қилиш, ёнғинга олиб келадиган ҳолатларга йўл қўймаслик, ҳуқуқбузарлик ва қоидабузарликларни бартараф этиш, хонадонларни иситиш ва ёритиш тармоқларида юзага келаётган техник носозликка эътибор қаратиш лозим. Шунга мувофиқ ойликнинг дастлабки ўн беш куни мобайнида республика бўйича белгиланган тадбирлар режасига кўра 1 миллиондан ортиқ турар-жой, 11 мингдан ортиқ кўп қаватли уй ва уларнинг чордоқ ҳамда ертўлалари текшириб чиқилди. Содир бўлган ёнғинларнинг асосий қисми фуқаролар яшаш жойларига тўғри келаётганлигини ҳисобга олиб, 11 минг маротаба учрашувлар ташкил этилди ва уларда 440 минг нафардан зиёд фуқаро иштирок этди. Бу учрашувларда аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидалари, айниқса, қишки мавсумда иситиш ва ёритиш манбаларига эҳтиёж ошганлиги муносабати билан техник носоз мосламалардан фодаланиш, газ ва электр қувватидан фойдаланишда тармоғидан фойдаланиш тақиқланди.

Халқимизнинг тинч ва осойишта турмуш кечиришини таъминлаш ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ҳам муҳим вазифаларидан биридир. Бу вазифалар нималардан иборат? Аввало, аҳоли турар-жойларини ёнғинлардан муҳофаза қонунсизликларга йўл қўймаслик юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди. Бунда жамоатчиликнинг фаол иштироки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.


Маҳаллалар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбар ходимлари ва фаоллари, шунингдек, ўрта мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида ўтказилган тадбирлар, айниқса, ижобий самара берди. Ёнғинлар олдини олиш ва ёнғин содир бўлиб қолганда қандай ҳаракатланиш тартибларига бағишлаб ўтказилган машқ ва машғулотлар ўқувчиларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўзлаштириб олишларида муҳим аҳамият касб этди.

Олиб борилган тадбирлар ҳамда тарғибот ишлари натижасида фуқароларнинг ёнғиндан мулкий зарар кўриш ҳоллари кескин камайиб, миллионлаб сўмлик моддий-маънавий бойликлар асраб қолинди. Бу 2009 йилги тадбирларимизнинг нечоғли тўғри ташкил этилганлиги, қолаверса, давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати билан жамоатчиликнинг ҳамкорлиги ижобий тус олганини кўрсатади. Зеро, офатнинг олдини олишда жамоатчиликнинг иштироки ғоятда муҳимдир.

Равшан ШОДИЕВ

TDM
«ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ





юртдошларимизни яқинлашиб келаётган 2010 йил — Баркамол авлод йили билан самимий муборакбод этиб, барчага омад, бахт-саодат тилайди!

«ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни
Янги — 2010 йил билан
табриклайди!



Янги йил бахт-иқбол,
хонадонимизга файз-барака,
юртимизга хотиржамлик
ва фаровонлик олиб келсин.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

I. НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги тез ёрдам биноларини қайта қуриш (Уйчи, Бобуршоҳ, Шоҳруҳобод ва Шифокор кўчаларидаги)

Объектнинг бошланғич нархи — ҚҚС билан 374 312 994 сўм.

Объектни якунлаш муддати — 2010 йил 1 август.

Буюртмачи: *Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.*

Телефон: *(8-3692) 26-22-60, 33-77-06.*

Лойиҳани молиялаштириш давлат маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

II. НОРИН–СИРДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Лот №	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚСсиз (сўм)	Қурилишни якунлаш муддати (кун)
1	Лот 1.1	Наманган вилояти, Чуст туманидаги хўжаликлараро «Ҳисорак — Шўркенет» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (79,5 км)	209 105 513	185
2	Лот 1.2	Наманган вилояти, Поп туманидаги «Қорақалпоқ» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (4-босқич, 52,43 км)	97 981 796	155

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уйда жойлашган Норин — Сирдарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Гидрогелогия-мелиоратив экспедицияси.

Телефон: (8-369) 226-38-34, 226-78-53.

Қурилиш ишлари Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматларни) таъминлаш бўйича танлов таклифлари берилганда хориж товарларини етказиб берувчилар қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлгани инобатга олинган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдори берилган таклифга қўшимча равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: **Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.**

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб: I. (ўттиз кундан кейин) Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси 105-уйда, II. (15 кундан кейин) Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уйда ўтказилади.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ОБЪЕДИНЕННАЯ ДИРЕКЦИЯ СТРОЯЩИХСЯ ПРЕДПРИЯТИЙ №8

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

✧ **Строительство селеводохранилища на реке Гульдара Яккабагского района Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость — 12.583.248.872 сум (без НДС), 15.092.483.975 сум (с НДС).

Срок завершения строительства — 28 месяцев.

✧ **Улучшение эксплуатации Калкаминского селеводохранилища в Чиракчинском районе Кашкадарьинской области (инъекционные работы по водовыпуску).**

Стартовая стоимость — 195.770.182 сум (без НДС), 234.806.740 сум (с НДС).

Срок завершения строительства — 5 месяцев.

Заказчик: Объединенная дирекция строящихся предприятий №8.

Адрес: Кашкадарьинская область, г.Карши, ул-.Чапкиргок, дом №1.

Телефон: (375) 226-12-40, 226-12-31, 226-18-09.

Финансирование осуществляется за счет госбюджета.

Организатор торгов: Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве.

«МУБАРЕКНЕФТГАЗ» УДП

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

✧ **Строительство 5-этажного 56-квартирного жилого дома по ул.Мустакиллик в г.Карши Кашкадарьинской области.**

Стартовая стоимость — 5.208.889.840 сум (без НДС), 6.250.667.810 сум (с НДС).

Срок завершения строительства — 320 дней.

Заказчик: «Мубарекнефтгаз» УДП.

Адрес: Кашкадарьинская область, г.Мубарек, ул.Занжирсарой, дом №1.

Тел/факс: (375 67) 21-596, 24-695, 21-375.

Финансирование осуществляется за счет собственных средств «Мубарекнефтгаз» УДП.

Организатор торгов: Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве.

Предприятия и организации выступавшие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производительные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных стрительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведения оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — **Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразования в строительстве по адресу — г.Карши, Ханабадское шоссе, дом 46а. Тел/факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.**

Стоимость одного комплекта документов — 70 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании заказчиков.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2010 йилги дастур асосида қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ВИЛОЯТ БОЛАЛАР КЎП ТАРМОҚЛИ ТИББИЙ МАРКАЗИ ҲУДУДИДА ЧАҚАЛОҚЛАР ПАТОЛОГИЯСИ ВА ЛОР СУРДОЛОГИЯ БЎЛИМЛАРИ ҚУРИЛИШИ.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 966,887 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 805,739 млн. сўм, қурилиш муддати — 6 ой.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх префенциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаварҳитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

QISHLOQ QURILISH BANK

«Moody's Investors Servise»
халқаро рейтинг компанияси томонидан

Очиқ акциядорлик тижорат банки «Қишлоқ қурилиш банк»

Фаолияти учун халқаро рейтинг шкаласи бўйича жорий йилда берилган ва аввалги йилга нисбатан кўтарилган «B2/N/E+» рейтинг баҳосини

«B1/NP/E+»

даражасига кўтарилгани таъкидланди.

Банкга берилган барча рейтинглар «Барқарор» прогнозига эга.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Ахборот маркази телефонлари:
(+99871) 233-71-72, 236-16-17

e-mail: info@qqb.uz
www.qishloqqurilishbank.uz

«АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ: ОАВ НИГОҲИДА»

кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди

Тадбир

Адлия вазирлигида журналистлар ҳамда ҳуқуқшунослар учун эълон қилинган «Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида» республика кўрик-танловининг якуни ҳамда ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу танлов қонун ҳужжатларининг моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида ёритиш ҳамда уларнинг мазмундорлигини ошириш мақсадида ўтказилди.

Танлов натижаларига кўра, «Самарқанд-СТВ» ижодий уюшмаси, ORIAT TRK, «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси Адлия вазирлигининг биринчи даражали дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион-таҳлилий эшиттиришлар муҳарририяти, «Region.uz» газетаси ходимлари, Тошкент давлат юридик институти талабаси II ва III даражали диплом ва совғаларни қўлга киритишди.

2009 йилнинг ўтган даври мобайнида Адлия вазирлиги томонидан 40 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари амалга оширилган бўлиб, улардан салкам 15 мингга яқини бевосита учрашув тарзидаги тарғибот ишларидир. Бундай тарғибот тадбирлари нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда ҳам кенг миқёсда ўтказилмоқда. Бу борада республика, маҳаллий матбуот ҳамда телевидение ва радиолар вазирликка яқиндан ёрдам бермоқда. Ўтказилаётган турли йўналишдаги танловлар эса материалларнинг сифат ва мазмундорлигини янада оширишга ҳисса қўшмоқда.

Тадбир якунида мазкур республика кўрик-танловини ҳар йили доимий равишда ўтказиш ва унинг қамровини янада кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Равшан ШОДИЕВ

Навоий халқаро аэропортидан замонавий «Боинг-744» самолётлари парвози бошланганига бир йил бўлди. Воқеа муносабати билан Навоий аэропорти халқаро логистика марказида давлатлараро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ПАРВОЗЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Унда «Korean Air» халқаро авиакомпанияси ҳамда «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» авиакомпанияси ишбилармон доиралари билан бир қаторда Навоий эркин индустриал иқтисодий зона дирекцияси ижрочи вакиллари ҳам иштирок этди. Бу ерда ҳаво лайнерлари ёнилғи билан таъминланиб, шошилинч техник хизмат кўрсатилади. Ҳозир аэропортдан ҳафтасига 21 та юк транспорт самолёти, 9 та пассажир йўловчи ташиш ҳаво кемалари турли йўналишлар бўйича ҳавога кўтарилаётган бўлса, 2010 йилдан бошлаб улар сони қарийб икки ҳисса ортади.

Жанубий Корея, Москва, Деҳли, Дубай, Милан, Пекин каби шаҳарларга учаётган самолётлар парвози сонини янада кўпайтириш кутиляпти. Ҳозир бу ердаги 80-100 тонна атрофида оғир юк кўтара оладиган «Боинг»лар қаторига 200-250 тоннагача хўжалик юклари билан учадиган «ИЛ-76» русумидаги «Руслан»лар ҳам қўшилади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ҚОРАКЎЛДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни Янги —

2010 ЙИЛ *билан табриклайди.*

Поёнига етаётган жорий йилда ғалламиз мўл бўлиб, омборларимиз донга тўлди, халқимиз дастурхони тўкин бўлди. Айни пайтда эса янги ҳосил учун экилган ғалла майдонлари яшил либосга бурканди. Демак, келгуси йилда ҳам баракали хирмон кўтарилади.



«ТОШКЕНТВИНО КОМБИНАТИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни


ЯНГИ — 2010 ЙИЛ **билан**

самимий муборакбод этади.

Ҳар бир оила ва хонадонга тинчлик-тотувлик, бахт-саодат, фаровонлик тилайди.



Ватанимиз янада гуллаб-яшнасин, осмонимиз мусаффо бўлсин!



Табиат ва инсон

ЕВРОПА ҚИШИ ОҒИР КЕЛДИ

унинг оқибатлари кишиларни довдиратиб қўйди

Дарҳақиқат, бу йил Европа мамлакатлари учун қиш ўта оғир келди. Балки бу глобал иқлим ўзгаришларининг оқибатидир. Мутахассислар ҳозирча бу борада ҳеч нарса дейишмаяпти. Аммо табиатдаги бундай аномал ҳолатлар албатта илмий-назарий жиҳатдан ўрганилади ва ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинади.

Ҳозирча гап Европа табиатида юз бераётган ҳолат тафсилотлари ҳақида.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, қитъада юзага келган ноқулай об-ҳаво шароити натижасида аҳоли бир қатор муаммолар гирдобига дуч келмоқда. Европанинг деярли барча мамлакатлари йўлларида транспорт ҳаракати издан чиқди, аэропортларда самолётлар парвози бекор қилинмоқда, темир йўл транспорти қатновида ҳам аҳвол яхши эмас.

Шу ўринда мисоллар келтириб ўтсак: куни кеча Париж йўлида ҳаракатланаётган автомобиль сирпаниб бориб, темир йўл изига чиқиб кетди ва поезд билан тўқнашув содир этди. Поезд издан чиқиб кетиши натижасида 36 киши турли даражада тан жароҳати олди.

Хорватия пойтахти Загребда ҳам темир йўл транспорти билан боғлиқ ҳодиса юз берди: совуқ ҳавода тормоз ишламай қолиши натижасида поезд бетонга бориб урилди. 52 киши турли даражада тан жароҳати олиб, шифохоналарга ётқизилди. Улардан 7 нафарининг аҳволи оғир.

Руминияда салкам 1 метр қалинликда қор ёғди. Бунинг устига бир неча кундирки, совуқ 20 даражада сақланиб турибди. Венецияда ҳам шундай ноодатий совуқ ҳукмронлик қилмоқда. Германия, Австрия, Финляндияда эса ҳарорат минус 33 даражани кўрсатиб турибди. Йўллар музлагани боис автоҳалокатлар кўп юз бермоқда. 13 киши ҳаётдан кўз юмди.



Польшада ҳам уч кундан ортиқ вақтдан бери 23 даража совуқ забтига олиб турибди. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, 42 киши музлаб қолиб вафот этди. Уларнинг кўпчилиги уй-жойи йўқ кишилар эди. Полиция эса уй-жойи борлар уйи йўқларга вақтинча уйларидан жой беришларини сўраб, аҳолига мурожаат этмоқда. Бу мурожаатлар бесамар кетмаяпти: Краковдаги ресторан соҳиби ўнлаб уйсизларга жой бериб, текин иссиқ овқат билан таъминламоқда.

Францияда электр қуввати тармоқлари совуққа дош беролмагани боис 2 миллион киши вақтинча электр энергиясиз қолди. 2 киши қаҳратон забтидан нобуд бўлди. Мамлакат пойтахтидаги «Шарл де Голл» аэропортида парвозлар бекор қилинди. Буюк Британиянинг «British Airways» авиакомпанияси ҳам барча ички парвозларни, Лондоннинг «Heathrow» аэропорти маъмурияти эса Европага учувчи халқаро парвозларни вақтинча тўхтатиб қўйди. Испаниянинг Мадрид аэропорти 174 та парвозни кейинга қолдирди. Темир йўл транспорти ҳаракатлари ҳам жадвалдан чиқиб кетган. Бу ерда қор бўронлари ва изғирин яна 37 соат давом этиши кутилмоқда. Германия, Португалия, Нидерландияда ҳам самолётлар парвозида узилишлар содир бўлиб турибди. Португалиянинг Мадейра оролида кучли қор бўрони авж олгани боис 9 та авиалайнер аэропортга қўнолмади ва натижада бошқа аэропортга қўнишга мажбур бўлди.

Россиянинг Европага қўшни ҳудудлари, Украина ва Италия аҳолиси ҳам шундай муаммоларга тўқнаш келмоқда. Москвада фақат автомобиль йўлларини қор уюмларидан тозалашга 13 мингта қор кураш техникаси жалб этилди.

«Российская газета» хабар беришича, ҳатто қор ёғдирувчи булутларни осмондан ҳайдаш учун Москва маъмурияти авиация «бомбардимони» чорасини қўллашга чоғланди. Яъни суюқ азотни булутлар устидан авиация ёрдамида пуркашни режалаганди, аммо айрим сабабларга кўра, бу режани кейинга қолдирди.

Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги бўйича федерал хизмат маълум қилишича, қор булутларини тарқатиб юбориш ёмғир булутларини «парчалаш»дан кўра анча мушкул. Аммо нима бўлгандаям Москва шаҳар мэри Юрий Лужковнинг айтишича, қор булутини ҳайдаш тажрибасини муваффақиятли ўтказиш пойтахт кўчаларига ёғадиган қорни 12-15 фоизга камайтираркан. Бу эса коммунал хизмат харажатларини 300 миллион рублга иқтисод қилиш имконини беради.

«Корреспондент.net» сайтидаги хабарда ёзишларича, Украина президенти Виктор Юшченко республика Мудофаа вазирлигига мамлакат кўчаларини қор уюмларидан тозалаш ишларига ҳарбийларни ҳам жалб этиш мажбуриятини юклади. Айни пайтда 3 минг ҳарбий ва 150 та ҳарбий техника айнан шу иш билан машғул. Қалин қор ёғиши оқибатида 106 та аҳоли манзили электр энергиясидан узилиб қолди. Херсон, Донецк, Николаевск, Луганск, Запорожск, Одесса областларида аҳвол оғир. Мамлакатнинг нафақат аэропортларида парвозлар қолдирилмоқда, балки поездлар қатнови ҳам жадвалдан чиқарилмоқда. Шу кунгача 22 та поезд ҳаракати тўхтатилди.

Италия Мудофаа вазирлиги ҳам украиналик ҳамкасблари сингари иш тутди. Милан кўчаларини қордан тозалашга ҳарбийларни жалб этди. 600 нафар ҳарбий кечасию кундузи (албатта навбат билан) қўлларида белкураклар билан кўчаларни курамоқда. Кўпгина мактаблар маъмуриятлари эса қишки таътилни муддатидан олдин бошлаб юбордилар. Фуқаро мудофааси хизмати одамларни эҳтиёткорликка, Рождество саёҳатига чиқмасликка чақирмоқда.

Германиянинг Франкфурт-Майн аэропорти парвозларни бекор қилиши «қимматга тушди». 8 минг йўловчи аэропортда самолётлар парвозини кутмоқда. Уларнинг 5 минги меҳмонхоналарга жойлаштирилди, аэропортда қолганлар учун эса «раскладушка» кровати тарқатилди. Уларга иссиқ-овқат ва ичимликлар ташкиллаштирилди. Душанба кунининг ўзида 229 та учиш-қўниш парвозлари бекор қилинган.

Қисқаси, тафсилотларни санайверсак гап кўп, муаммо ҳам кўп. Бу муаммолар эса инсониятнинг табиатга нисбатан шафқатсиз муносабати натижасидир балки. Ахир глобал иқлим ўзгаришлари ҳам сиз билан бизнинг табиатга нисбатан таъсиримиз натижаси-ку!

Алимбек ТОШБЕК,
шарҳловчи







Жаҳонга машҳур «The Banker» журнали томонидан 2009 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб тан олинган

«АГРОБАНК» ОАТБ

AGROBANK


ЎЗ АКЦИЯДОРЛАРИ, МИЖОЗЛАРИ, БАРЧА ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИ

кириб келаётган ЯНГИ — 2010 ЙИЛ билан

самимий табриклаб, уларга соғлик, тинчлик ва улкан муваффақиятлар тилайди!

Байрам шарофати билан «АГРОБАНК» ОАТБ ***қуйидаги янги муддатли ва жамғарма омонат турларини таклиф этади:***

Омонат	Муддати	Фоиз ставкаси	Маблағларни қабул қилишнинг тўхтатилиш муддати	Омонат шартлари
«ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ»	1,3,6,9 ва 12 ойгача	26% Жамғарма	20.02. 2010	Омонат эгаси маблағ қўйилган кундан сўнг ҳар ойда омонат учун ҳисобланган фоизларни олиш ҳуқуқига эга. Омонатчи омонатнинг ҳаракат даври мобайнида қўшимча бадаллар қўшиб бориш ҳуқуқига эга. Қўшимча бадаллар миқдори чегараланмайди.
«БАРКАМОЛ АВЛОД — 2010»	6 ой	27% Муддатли	30.06. 2010	Омонат эгаси маблағ қўйилган кундан сўнг ҳар ойда омонат учун ҳисобланган фоизларни олиш ҳуқуқига эга. Ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар омонатнинг асосий суммасига қўшилмайди.
	12 ой	28% Муддатли		



«Агробанк» — юрт ободлигининг молиявий таянчи!

2010 yil

Хизматлар лицензияланган.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Республикамиз иқтисодиётининг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, юксак сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ этиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришда «Агробанк» ОАТБнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу борада банкнинг Наманган вилояти бошқармасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик.


Чунончи улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар тури ва сифати яхшиланиб бораётганлиги туфайли мижозлар сафи ортиб бормоқда.

Бугунги кунда бошқарманинг 13 та туман филиали, 43 та минибанки, 22 та махсус касса, 20 та электрон тўловларни қабул қилиш шохобчаси мавжуд бўлиб, 17601 дан ортиқ мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Банк филиаллари жорий йилнинг ўтган даврида иқтисодиётнинг турли тармоқларига ва аҳолига жами 53057,3 миллион сўмлик кредитлар ажратди.

Бошқарма томонидан агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан қишлоқ жойларида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини янада кўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини кўпайтириш, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш мақсадида 918,2 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Натижада, 217 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.



Дарвоқе, жорий йилнинг шу давригача экспорт қилувчи корхоналарга ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга ҳамда айланма маблағларини тўлдириш учун берилган 888,8 миллион сўм миқдоридаги кредитлар ҳисобига 300 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Барча молиялаш манбалари ҳисобидан хўжалик субъектларига 11165,1 миллион сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди. Бунинг ҳисобига эса 2044 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Кичик бизнес субъектларига берилган кредитлардан 4055,8 миллион сўми микрокредитларга тўғри келиб, бунинг ҳисобига 1135 та янги ишчи ўринлари очилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича бошқарма томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Чунончи бошқарманинг Давлатобод филиали мижози «Наманган дон маҳсулотлари» АЖга қарашли «3-иссиқ нон цехи»га 400 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Кредит ҳисобига кунига 4 тонна унни қайта ишлаб, қолипли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ҳамда қўшимча 15 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Чортоқ филиали томонидан «Чортоқ шифобахш сувлари» МЧЖ га маъданли сув ишлаб чиқариш мақсадида замонавий минерал сув қадоқлаш ускуналари сотиб олиш учун ажратилган 100,0 миллион сўмлик кредит ҳисобига 25 та янги иш ўринлари яратилди, йилига 3 миллион 360 минг дона минерал ва салқин ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорига биноан, замонавий ва қулай тўлов воситаси бўлган пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш эвазига аввало, аҳолига қулайликлар яратиш, банкдан ташқари пул айланмаларини қисқартириш билан юртимиз иқтисодиётига ҳамда пул муомаласини барқарорлаштиришга ҳисса қўшиш, аҳолига хизмат кўрсатаётган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида тезкор, замонавий ва сифатли хизматларни ташкил қилиш бўйича ҳам қатор самарали ишлар амалга оширилди. Ушбу тизимнинг ҳар томонлама қулай ва афзаллиги, имкониятларининг кўплиги, ишончлилиги, тезкорлиги боис пластик карточкаларга бўлган талаб кескин ошди. Жорий йилда ушбу талабларни қондириш мақсадида банкнинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан жами муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг сони 93289 донага етди. Шундан 84571 донасини вилоятда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган ташкилот ва корхоналарнинг ишчи ва ходимларига иш ҳақи лойиҳасида тарқатилган пластик карточкалар ташкил этади.

Ҳозир «Агробанк» томонидан пластик карточкалар билан ишлаш тизимини ҳамда мижозлар билан банк ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида «DUET — OnLine» тизими жорий этилмоқда.

Бошқарма ва унинг филиаллари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиб, муддатли ва жамғарма депозитларини ўстириш йўли билан ўз ресурс базасини мустаҳкамлашдан иборатдир. Шу боис жойларда юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш бўйича ташвиқот-тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилганлиги боис 30 га яқин омонат турларига аҳолининг бўш пул маблағлари мунтазам қабул қилинмоқда.

Дарвоқе, «Агробанк» ОАТБ томонидан Президентимизнинг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тўрақўрғон туманида жойлашган, банкрот деб эълон қилинган «Ас-шах» қўшма корхонаси балансга олинди ҳамда «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармойиши билан тасдиқланган тартибга асосан унинг кредиторлик қарзлари тўлаб берилди.

Шунингдек, банк томонидан банкрот деб эълон қилинган «Ас-шах» қўшма корхонаси негизида янги «INVESTTEKS-IB» МЧЖ ташкил этилиб, уни салоҳиятли инвесторларга сотиш масалалари банк бошқаруви томонидан муҳокама қилиниб, корхонани соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда «INVESTTEKS-IB» МЧЖда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари қайта тикланиб, 80 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, «INVESTTEKS-IB» МЧЖга 1503,0 миллион сўм миқдорида қўшимча инвестициялар киритилиб, ишлаб чиқариш фаолияти натижасида 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспортга йўналтирилди.

«INVESTTEKS-IB» МЧЖ Туркия ва Тайван давлатларининг йиллик 2000 тонна оқартирилган ва бўялган трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда сотилиши режалаштирилган.

Президентимизнинг 2009-2012 йилларда Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарори бўйича Наманган шаҳар, Истиқбол кўчасида (собиқ Наманган ёғ заводи ҳудудида) банк маблағлари ҳисобидан 1 та 32 хонадонли ва 1 та 24 хонадонли уй-жой қуриш ишлари бош пудратчи — Уйчи тумани ХМКК-10 масъулияти чекланган жамият томонидан бошлаб юборилди.Бугунги кунда 24 хонадонли уйнинг ер ишлари охирига етказилди.

Мухтасар айтганда, «Агробанк» ОАТБ Наманган вилоят бошқармаси жамоаси якунига етиб бораётган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида катта ютуқларга эришди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни қайта ишловчи корхоналар кўпайиб бормоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда. Банк хизматларини янада кенгайтириш ҳамда мижозларга қулайлик яратиш мақсадида қатор тадбирлар белгиланаётир.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Қарор ва ижро

НАҚД ПУЛ АЙЛАНМАСИ

уни тартибга солишда жамоатчилик назорати зарур

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар янги-янги қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Кейинги йилларда солиқ тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор қонуний тартиблар амалиётга татбиқ этилдики, натижада иқтисодий ўсиш механизми тўлақонли ҳаракатга келиши баробарида ҳар томонлама қулайлик ҳам яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисидаги қарори айни шу жиҳатдан ғоят аҳамиятлидир.

— Давлат бюджетини узлуксиз мустаҳкамланиб боришида нақд пул айланмаларининг ўрни нечоғли шарт бўлса, савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларида назорат касса машиналарининг қўлланилиши ҳам ҳукумат қарорлари асосида белгилаб қўйилган, — дейди Норин туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Муҳаммадзокир Маматхонов. — Тумандаги нақд пул тушумига эга бўлган 97 та хўжалик юритувчи субъектнинг 210 та савдо шохобчаси мавжуд. Уларнинг барчасида аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун НКМлар ўрнатилган.

Лекин шуни афсус билан айтиш керакки, ҳамма жойда ҳам назорат касса машиналаридан тўлақонли фойдаланилмаяпти.

Йилнинг ўтган даври мобайнида инспекция ходимлари томонидан 29 та савдо шохобчасида қисқа муддатли текширишлар ўтказилганда, 14 ҳолатда НКМларни ишлатилмаётгани, 7 та ҳолатда тушум пулларини тегишли тартибда банк муассасаларига топширмаслик камчиликлари аниқланган. Текширишлар натижасига кўра 21 та хўжалик юритувчи субъектга нисбатан амалдаги «Солиқ кодекси»нинг тегишли моддаларига асосан 18848,5 минг сўм миқдорида молиявий жарималар қўлланилган. Ўн тўрт нафар мансабдор шахсдан эса 2578,4 минг сўм маъмурий жарима ундирилган. 4 та ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди. Орамизда тадбиркорликни ўзига ниқоб қилиб олганлар ҳам бор, — дея фикрини давом эттирди Муҳаммадзокир Маматхонов. — Бу масаланинг ташвишланадиган яна бир жиҳати шундаки, бу борада бизда жамоатчилик назорати етишмайди. Одамларимизда харид қилинган маҳсулот ёки буюм учун касса чекини талаб қилиб олиш одати етарли шаклланмаган.

Соҳа мутасаддиларининг айтишича, айнан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида назорат касса машиналаридан фойдаланишнинг аҳамияти тўғрисида тушунтириш ишлари кучайтирилмоқда. Бу масалада ХДП туман кенгаши билан ҳамкорликда тадбирлар режаси тузилган. Бу ҳамкорлик коммунал хизматлар тўловини ўз вақтида амалга оширилишида қўл келмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ ёзиб олди.


СПОРТ

«НАСАФ» ФУТБОЛЧИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати бронза медали совриндори — Қаршининг «Насаф» жамоаси тақдирланди. Миллий чемпионатларимизда бешинчи марта ана шундай шарафга сазовор бўлган футболчилар учун Қаршидаги муҳташам «Мовий гумбаз» ресторанида тантанали маросим уюштирилди. «Насаф» жамоаси аъзоларига чемпионат бронза медалларини Қашқадарё вилояти ҳокими, вилоят футбол федерацияси президенти Нуриддин Зайниев ҳамда Ўзбекистон профессионал футбол лигаси бош директори Фарҳод Магометов топширишди.

Шунингдек, якунланган мавсумда мухлислар меҳрини қозонган бир неча футболчилар номинациялар ғолиби сифатида эътироф этилдилар. Жумладан, ҳимоячи Артём Филипосян — жамоанинг 2009 йилдаги «Энг яхши футболчиси», ҳужумчи Илҳом Шомуродов эса «Энг чиройли гол муаллифи» деб топилди. Уларга «Насаф» профессионал футбол клуби муассиси — Шўртан газ кимё мажмуаси директори Алишер Султонов «Нексия» автомашинаси сертификатларини тақдим қилди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, ана шу тантаналар аввалида Қаршидаги «Марказий» стадион ҳудудида янги сунъий қопламали футбол майдони ишга туширилди. Ҳажми 105х68 метр бўлган бу ажойиб майдон энди футболчиларнинг йилнинг исталган даврида машғулот ва учрашувлар ўтказишлари учун қулайлик яратади. Бундан ташқари, футболчилар машғулот ўтказишлари учун яна учта табиий яшил майдон барпо этилмоқда.



Эркин ХОЛБОБО

ЖАҲОН ФУТБОЛ ЮЛДУЗИ ТОШКЕНТДА

22 декабрь куни эрталаб Тошкент вақти билан соат 7:30 да Португалия терма жамоаси ва Мадриднинг «Реал» клуби ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду пойтахтимизга ташриф буюрди.

Жаҳон футболи юлдузи Тошкентга чартер рейс орқали Швейцариянинг Цюрих шаҳридан учиб келган. Даровқе, бир кун илгари у Цюрихда бўлиб ўтган ФИФАнинг тақдимот маросимида иштирок этди ва аргентиналик Мессидан кейин дунёнинг энг яхши иккинчи ўйинчисига айланди. Роналдуни Тошкент халқаро аэропортида кўп сонли футбол ишқибозлари, журналистлар ва унинг ташрифи ташкилотчилари тантанавор қарши олдилар.

Тантанали кутиб олиш маросимидан сўнг, португалиялик юлдуз «Интерконтиненталь» меҳмонхонасига йўл олди. Меҳмонхонага киришда 24 ёшли машҳур ярим ҳимоячини минглаб ишқибозлар қарши олишди. Шу онларда Роналду сон-саноқсиз дастхатлар тарқатиш билан бир қаторда ўз мухлисларидан эсдалик совғаларини қабул қилиб олди.



Шунингдек, Криштиану Роналду Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбари Мираброр Усмонов билан учрашди. Учрашув чоғида Усмонов Криштиану Роналду каби дунё юлдузларининг ташрифи юртимизда футболни янада оммалашиши ва ривожланишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида Роналду ҳам Ўзбекистонга ташриф буюрганидан хурсанд эканлигини билдирди ва ўзбек футболининг келгуси ишларига омад тилади.

Шундан кейин, ЎФФ президенти фахрли меҳмонга эсдалик совғаларини топширди. Учрашув охирида Криштиану Роналду ўзбек футболи музейи билан яқиндан танишди.

— Мени Ўзбекистонга таклиф қилишганидан жуда ҳам хурсандман, — деди Криштиану Роналду. — Ташрифдан кўзланган асосий мақсад юртингизда футболни янада оммалашишига ҳисса қўшиш. Умуман, ушбу ташриф менда илиқ таассурот қолдирди.

Сўнгра португалиялик футболчи «Жар» стадионини тўлдириб ўтирган минглаб мухлислар кўз ўнгида ёш футболчилар учун мастер-класс ўтказди. Бир сўз билан айтганда, гарчи унинг ташрифи қисқа муддатли бўлган бўлса-да, ўзбек футбол ишқибозларига оламолам қувонч улашди.

Огоҳлик — давр талаби

Ёши улуғ кишилар ҳар сафар дуога қўл очар экан, бало-қазолардан асрасин дейишни канда қилишмайди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, эҳтиётсизлик оқибатида ташланган бир қадам одамлар бошига қандай кулфатлар келтириши мумкинлигини яқин атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳам кўрсатиб турибди.



ЯНГИ ЙИЛНИ ШОДУ ХУРРАМЛИК БИЛАН КУТИБ ОЛИШ ҲАР БИРИМИЗГА БОҒЛИҚ

пиротехника воситалари қувонч эмас, қайғу келтиради

Россиянинг Пермь шаҳридаги тунги клубда содир бўлган фожиа бунга мисол бўла олади. Бир соат ичида 150 га яқин инсоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмушига айнан пиротехника воситалари сабаб бўлган.

Айни пайтда мамлакатимизда, асосан янги йил арафасида қулоқни қоматга келтирувчи ушбу турдаги маҳсулотларнинг бозорларимизга кириб келишини олдини олиш, уларнинг сотилишини тақиқлаш ва савдодан олиб қўйишга оид амалий ишлар давом эттирилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситаларининг айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жойларда ушбу қарор ижроси бўйича талайгина ишлар қилинмоқда.

Бундан ташқари, шаҳарлардаги ҳар битта хиёбон, кўча, майдон ва бозорларга пиротехника воситаларидан фойдаланишни тақиқловчи махсус плакат-эслатмалар илиб қўйилган.

Бу борада кўрилаётган чора-тадбирлар, ҳар қандай пиротехник маҳсулотларни юртимизга ўғринча олиб киришга бўлган уринишлар, қонунбузарликлар, бу билан содир бўлиши мумкин бўлган кўплаб бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинаётганлиги эътиборга молик, албатта.

Бироқ, бизнингча, айрим виждонсиз «тадбиркор»лар чўнтагини қаппайишига хизмат қилувчи, инсон саломатлигига эса жиддий хавф солувчи турли хил пақилдоқ «ўйинчоқлар» бозорини тугатиш учун нафақат мутасадди ташкилотлар, балки барчамиз, ота-оналардан тортиб боғчадаги



тарбиячиларгача бирдек масъулият билан ёндашмоғимиз лозим.

— Ҳар бир хонадон тинчлиги бутун маҳалла, қолаверса, юртимиз осойишталигидир, — дейди Юнусобод туманидаги Астрабод маҳалласи фаоли Шавкат Қосимов. — Афсуски, орамизда айрим оқибатини ўйламай фарзандининг қўлига пақилдоқларни қутилаб тутқазаётган ота-оналар ҳам бор. Беихтиёр ўйга толаман. Наҳотки, улар бу қилмишлари билан ўз жигаргўшалари, ён-атрофдагилар тинчлигига, саломатлигига зарар етказишаётганлигини билмайди? Наҳотки, бу кимсалар кўра-била туриб, кўчадаги бир чайқовчининг нопок йўл билан даромад топишига «кўмаклашаяпти»? Шуни ҳисобга олиб маҳалламиз ҳудудида жойлашган таълим муассасаларида мунтазам учрашувлар ташкил этиб, зарур тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

— Ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган портловчи «ўйинчоқлар»дан фойдаланиш оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлиш эҳтимоли юқори, — дейди Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси масъул ходими Даврон Қамбаров. — Бунинг учун озгина эътиборсизликнинг ўзи ҳам кифоя қилади. Айрим юртдошларимиз эса болаларга арзимаган пулга пақилдоқ олиб бериб, хонадонида ёнғин чиқиши оқибатида катта зарар кўраётганлиги ачинарли ҳолатдир. Ана шундай фалокатларни олдини олиш, пиротехника воситалари билан боғлиқ ҳолатларга барҳам бериш мақсадида ёнғин хавфсизлиги идоралари бир қатор чора-тадбирлар белгилаган.

— Шифохоналарга янги йил арафасида пиротехника воситаларидан жабр кўрган, «портловчи» ўйинчоқларни ўйнаб турли хилдаги тан жароҳатларини олган беморлар келтирилади, — дейди тиббиёт фанлари номзоди, доцент Шавқиддин Йўлдошев. — Энг ёмони, уларнинг аксарини ҳали вояга етмаган ўсмирлар ташкил этади.

Пақилдоқларнинг кескин овози ҳомиладор аёллар учун ҳам жиддий хавф туғдиради. Бош мия асаб толаларига зиён етказади. Асаб хасталиги билан оғриган беморларга эса энг, аввало, тинчлик керак. Ҳар қандай шовқин-сурон, айниқса, пиротехника воситаларининг овози бундай беморлар саломатлиги учун хавфлидир. Ногаҳон қўрқиш оқибатида ҳам турли хил касалликлар келиб чиқиши мумкинлиги фанда исботланган.

Ҳар қандай байрамни дастурхон атрофида хурсандчилик билан кутиб олган қайда-ю, шифохонама-шифохона югуриш қайда.

— Кўпчилик болалар ота-оналарининг тушлик учун берган пулларига ўша «лаҳзалик» овунчоқни харид қилмоқда, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 137-мактаб ўқитувчиси Насиба Бойқараева. — Ҳатто айрим ота-оналарнинг ўзи фарзандини «хурсанд» қилиш учун уларни совға қилаётганлигига нима дейсиз? Шунинг учун бугун нафақат боғча ёки мактаблар, балки оилаларда ҳам пиротехника воситаларидан фойдаланиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатлар кенг тарғиб қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фарзандларимиз соғлиғи, хавфсизлиги, келажагини ўйлаб жуда кўп ишлар қилинмоқда. Бугун ушбу яхши ниятларни амалга ошишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳар қандай кўринишдаги иллатларга қарши барчамиз бирдек курашишимиз лозим.

Яна саноқли кунлардан сўнг кўнгилларга оламолам қувонч олиб келувчи янги йил кириб келади. Одамларимиз кўнглини эса байрам шукуҳи аллақачон эгаллаб олган. Келинглар, ана шундай осойишта кунларимизда эшик қоқаётган айёмимизни барчамиз қувонч, тинчлик, хотиржамлик билан қарши олайлик.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

НОГИРОНЛАРГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати тобора ошиб, аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя тизими ҳам кенг миқёсда ривожланиб бормоқда. Айниқса, оилавий шифохоналар томонидан ногиронларга тиббий хизмат кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор кўрсатилмоқда.

— Халқимиз азал-азалдан ёлғиз кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабардор бўлиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишни инсоний фазилат ҳисоблаб келган. Мустақиллик йилларида бундай миллий анъаналар янада равнақ топди, бағрикенглик, ўзаро меҳру оқибат, инсонпарварлик, жумладан, ногирон инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кундалик турмуш тарзимизга айланди, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 45-оилавий поликлинка бош шифокори Наргиза Шермуҳаммедова. — Шунингдек, шифохонамизга қарашли ногиронларни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида турли хил тадбирлар ва суҳбатлар ўтказиб, жамоамиз ҳамда ҳомийлар кўмагида уларга амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бундан ташқари, поликлиника ходимлари томонидан ногиронлар соғлиғи доимо назорат қилиб борилади ва уларга тегишли муолажаларнинг барчаси бепул амалга оширилади.

Поликлиникада даволанаётган ногирон беморлар ўз соғлиқларини тиклаб олишлари учун барча қулайлик яратиб қўйилган. Улар керакли дориларни қабул қилганларидан сўнг яна бир неча соат дам олишлари учун шарт-шароит яратилган. Шунингдек, шифохонга келолмайдиган ногирон беморлар соғлиқларини назорат қилиш учун ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари шифокорларнинг ўзлари уларнинг уйларига боради ва ҳолидан хабар олади.

Шайхонтоҳур туманида бундай эзгу ишлар кенг йўлга қўйилган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси бўлим мудири Санжар Тошбоевга волидаи муҳтарамаси **МЎЪТАБАР ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Хазина калити» газетаси жамоаси газетанинг бош муҳаррири Пардабек Эргашевга падари бузруквори **ЭШМУРОД ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилоят инкассация бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосари Наби Алимовга отаси **ОТАБОЙ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
8680 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 22.40
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda